

Шоира Ахмедова

Осиё халқаро университети профессори, филология фанлари доктори

XX АСРНИНГ 20 ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИДА РИВОЖИДА ФИТРАТНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Буюк қомусий олим, жаҳид маърифатпарвар танқидчиси, адабиётшуноси Абдурауф Фитрат адабий танқид жанрларини, жумладан, танқидий –биографик очерк жанрини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаган сиймолардан биридир. Танқидий-биографик очерк жанри ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди, у мансуб адабий муҳит, асарларининг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти, фазилатлари, адабий-тарихий жараёндаги ўрни ҳақида маълумот беради. Шу жиҳатдан ушбу мақолада Фитратнинг Умар Хайёмга бағишланган танқидий-биографик очерки ва унинг ўзбек адабиётшунослигида тутган ўрни ёритилган.

Калит сўзлар: адабий танқид, мунаққид, танқидий-биографик очерк жанри, Фитрат, адабий жараён.

Абстрактный. Абдурауф Фитрат, крупный энциклопедист, современный просвещенный критик, литературный критик, является одной из фигур, занявших важное место в развитии жанров литературной критики, в том числе жанра критико-биографических очерков. Жанр критико-биографического очерка дает информацию о жизни и творчестве писателя или поэта, литературной процессе, к которой он принадлежит, истории создания его произведений, их содержании, качествах и месте в литературно-исторической среде. В связи с этим в данной статье описывается критико-биографический очерк Фитрата об Омаре Хайяме и его месте в узбекском литературоведении.

Ключевые слова: литературоведение, критик, жанр критико-биографического очерка, Фитрат, литературный процесс.

Abstract. Abdurauf Fitrat, a major encyclopedist, a modern enlightened critic, a literary critic, is one of the figures who occupied an important place in the development of genres of literary criticism, including the genre of critical-biographical essays. The genre of a critical-biographical essay provides information about the life and work of a writer or poet, the literary process to which he belongs, the history of the creation of his works, their content, qualities and place in the literary-historical environment. In this regard, this article describes Fitrat's critical-biographical essay on Omar Khayyam and his place in Uzbek literary criticism.

Keywords: literary criticism, critic, genre of critical-biographical essay, Fitrat, literary process.

XX асрнинг буюк қомусий олими Абдурауф Фитрат мумтоз адабиёт намуналарини адабиётшунослик аспектида текширса-да, уларга танқидчилик нуқтаи назаридан ёндашади, натижада унинг у ёки бу мақоласида ҳодиса ҳолис баҳосини олиб, қолаверса, бундай руҳи билан мақола ёки рисола жанрига хос хусусиятлар жилоси ойдинлашиб қолади. Бунинг эвазига унинг ижодида адабиётшунослик ва адабий танқидчиликка дахлдор хилма-хил жанрлар бўй кўрсатиб, Фитрат эса ана шу хизмати билан адабий танқидий жанрлар кашшофи сифатида фаолият кўрсатган, ўз навбатида, бу ҳодиса ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг кейинги тараққиётига жиддий таъсир кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Фитратнинг адабий танқидга муносабати 20-йиллар рус танқидчилигидаги формал мактабнинг вакиллари Эйхенбаум, В.Шкловский, В.Жирмунский кабилар изидан боришида кўринади. Уларнинг фикрича, давр сиёсатида араллашиб, бадиий асарларнинг ғоявий-

мафкуравий ва ижтимоий фазилатларини ўрганиш адабиётшуносликнинг вазифасига кирмайди, у, асосан, бадий асарнинг шаклини, шу шаклдаги гўзалликни таҳлил этиши лозим. Шу қарашларни чуқур ўзлаштирган Фитрат ўз тадқиқотларида шу концепцияга амал қилди. Шу боис профессор Фитрат асарлари ўзбек ва шарқ адабиёти билимдони Е.Бертельс, В.Жирмунский, А.Климович асарлари билан ёнма-ён туради, - деб ёзган эди ҳақли равишда фитратшунос олим Ҳ.Болтабоев [6, 220].

Ҳақиқатан ҳам XX асрнинг 20-йилларидаги адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг энг асосий хусусиятларидан бири уларнинг қоришиқ ҳолда келиши ҳисобланади. Ҳали янги ўзбек адабиётининг етук вакиллари етишиб чиқмаган бир замонда танқидий асарларнинг аксарияти ўтмиш адабий мероси ва унинг вакиллари ижодига бағишланган эди. Шу сабабли адиб ва мунаққидлар ҳаёти, ижоди кам ўрганилган ижодкорлар ҳақида танқидий-биографик ёндашув асосида тадқиқотлар яратишга киришдилар. Бу жиҳатдан Фитрат олдинда борди [2. 88].

«Аҳмад Яссавий», «Форс шоири Умар Хайём», «Машраб» каби тадқиқотлар адабий портрет ва танқидий-биографик очерк жанрига мансубдир. Бу асарлар мумтоз адабиёт вакиллари ижодига бағишланганлиги нуктаи назаридан кўпроқ адабиётшунослик жанрларига мансубдир. Аммо ўша даврда адабиётшунослик билан адабий танқиднинг қоришиқ ҳолда келганлиги сабабли жанрнинг назарий жиҳатларини белгилашда биз шу асарларга таяндик. Иккинчидан, бу асарлар Фитратнинг танқидчи ва адабиётшунос сифатидаги қиёфасини очишга хизмат қилади: холислик, илмий ва образли фикр юритишнинг омукталиги, ҳар бир адабий ходисага ўз муносабатини вазминлик билан ифодалаш услуби бугун ҳам илм йўлида машаққат чекувчилар учун намуна бўла олади.

Адабий танқиднинг тарихий-биографик ёндошувга асосланган жанрлари ичида танқидий-биографик очерк кўламнинг кенглиги билан ажралиб туради. Танқидий-биографик очерк жанри ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди, у мансуб адабий муҳит, асарларининг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти, фазилатлари, адабий-тарихий жараёндаги ўрни ҳақида маълумот беради. Танқидий-биографик очерк аниқ далиллар ва шулар асосида чиқарилган илмий хулосалар бирлигидан ташкил топади. Мунаққид ёзувчи ҳаёти, ижоди ҳақидаги далилларни таҳлил, қиёслаш, мунозаралар орқали илмий умумлаштириб, маълум хулосалар чиқаради.

Фитратнинг “Машраб” деб номланган танқидий-биографик очерки XX асрнинг 20-йиллари охирида Машраб шахси ва ижоди ҳақида нотўғри тасаввурлар кенгайган бир пайтда яратилди. Асарнинг жанрини белгилашда унинг моҳияти ва мундарижаси асос бўла олади. Тадқиқот уч қисмдан иборат. Аввало, шоирнинг таржимаи ҳоли ойдинлаштирилади, тарихий манбалар асосида маноқибларга таяниб Фитрат томонидан илк марта шоирнинг ҳақиқий биографияси тикланади. Машрабнинг қаландарлиги, у мансуб бўлган оқим ҳақида фикр юритар экан, олим қаландарликнинг моҳиятини ҳам очиқ беради. Учинчи қисмда Машраб асарлари тадқиқ этилади, қиёслар асосида унга баҳо берилади. Шоир ижодининг Румий, Бедил билан яқинлиги каби муаммолари ёритилади. Шундай қилиб, билимдон шарқшунос олим ўз ишида шоир шахсиятини аниқлашга, Машраб таржимаи ҳолини илк марта илмий асослаб беришга муваффақ бўлган. Шу аснода у қаландарлик маслаги ва унинг мазмунини ҳам ифодалаб берган. Демак, тадқиқотда шоирнинг таржимаи ҳоли, ҳаёти ва ижоди, асарларининг яратилиши, моҳиятига доир далилларнинг умумлаштирилган ҳолда тадқиқ этилиши унинг танқидий-биографик очерк жанрига мансублигини кўрсатади.

Танқидий - биографик очеркнинг мақсади буюк инсонларнинг, ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳоли, илмий-ижодий ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этишдан иборат. Шу жиҳатдан қараганда Фитратнинг “Форс шоири Умар Хайём” асари ҳам танқидий-биографик очерк жанрига мансублигини кўрамади. Фитрат аввало Умар Хайём ҳақида портрет-мақола яратган.

Буни ўзи ҳам қайд этади: “ Форсларнинг бутун дунёга машхур бўлган шоирларидан Умар Хайём ҳақида “Қизил қалам” мажмуасида бир мақола ёзган эдим. Унда Оврўпа олимларининг Хайёмнинг таржимаи ҳоли ҳақида қандай маъхазлариға мурожаат қилганларини кўрсатган, ўзим ҳам шуларнинг изидан юриб, Хайём таржимаи ҳолини собит шаклга киргизишга тиришган эдим” [1,134]. Шундан кейин шоир ҳақида яна бир қимматли манбага дуч келади. Ва шулар асосида йирик тадқиқот яратилади. У Машраб ҳақидаги очеркдан ҳажми, кўламининг бир оз кенглиги билан фарқ қилади. “Форс шоири Умар Хайём” очерки 6 қисмдан иборат:

Бир-икки сўз.

Форс адабиётиға умумий бир қараш

Умар Хайём.

Хайёмнинг асарлари.

Хайёмнинг маслағи.

Натижа

Фитрат очерк бошида “Бир-икки сўз” (ҳозирда сўзбоши) Умар Хайём ҳақида олдин ёзилган мақоласини эслатади ва у мақоладан кейин кўлига шоир ҳақида кенг маълумот берувчи китоб (Абул Ҳасан ал-Байҳақийнинг “Таттимат ус- савон ул-ҳикма” – “Ҳикматли воқеаларнинг давоми” китоби) тушиб қолганлиги, унинг қиммати эса шоирни кўрган киши томонидан ёзилганлигида деб кўрсатади. Бу асар тазкира жанрида ёзилган бўлиб, Фитратнинг маълумот беришича, 7 асргача яшаган машхур шарқ файласуфларидан 100 кишининг таржимаи ҳоли берилган экан, шу билан бирга Фитрат китоб Хайём ҳақида бошқа манбаларда берилмаган маълумотларга бойлигини таъкидлар экан, ўзининг олдинги мақоласида кўрсатилган, олмон олими доктор Фридрих Розан томонидан берилган шоирнинг Локар шаҳрида туғилганлиги ҳақидаги маълумотнинг хато эканлигини, ўзи ҳам ундан фойдаланганлигини мардларча тан олади.

”Форс адабиётиға умумий бир қараш” қисмида , аввало, “ўзининг бойлиги билан бугун ҳар томондан машхур бўлган, танилган, текширилган форс адабиётининг бизнинг адабиётға ҳар томондан жудаям кўп таъсир қилгани маълум”лигига тўхталади.”Рисолада баён қилинган тарихий-адабий давр тавсифи Умар Хайём ҳаёти саналарини тўғри белгилашда, унинг муҳитини тушунишда ва асарларда акс этган фалсафани англашда ёрдам беради”,-деб ёзади Ҳ.Болтабоев [5, 291]. Бу фикр ҳам Фитратнинг хайёмшуносликдаги ўрнини белгилашда муҳимдир.

Фитрат форс адабиёти, шеърятдаги баъзи жанрлар ҳақида маълумот бериб, “рубойчиликда ўзини бутун дунёга танита олгон бирдан-бир шоир машхур Умар Хайём” ҳақидаги мулоҳазаларга ўтади. Шоирнинг таржимаи ҳоли аниқ далиллар асосида ифодаланади. Бу Фитрат услубидаги аниқлик, илмий асосланган пухта мулоҳаза юритиш каби фазилатларга эгалигини кўрсатади.

Фитрат “Хайёмнинг асарлари” қисмида шоирнинг Берлинда босилган мероси ҳақидаги жадвални тақдим этаркан, “жаҳон шуҳратиға сабаб бўлган” рубойлари ҳақида маълумот беради. “Хайёмнинг маслағи”да шоир ҳақидаги ҳар хил қарашларга муносабат билдиради, шу асосда ўзининг аниқ хулосаларини ўртага ташлайди: “Бизнинг фикримизча ҳам Хайём доҳийдир, бироқ санъат доҳийсидир”[1,153]. Бу қисмда, айниқса, Хайём рубойларини таҳлил этганда Фитратнинг ижодкорлиги, шоирлиги ёрқин намоён бўлади. Охириги бўлим “Натижа”да (бизнинг ҳозирги тушунишимизча, хулосада) Фитрат шоир ижоди бўйича умумлаштирувчи хулосаларни ўртага ташлайди. Шу билан бирга олим Хайёмга яқин шоир сифатида Бобур Мирзони кўрсатади ва унинг рубойларидан намуналар келтириб, ўқувчи диққатига ҳавола этади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкин:

1) мазкур танқидий –биографик очеркда шоирнинг таржимаи ҳоли аниқ манбаларга таянилган ҳолда кенг тасвирланадики, Умар Хайём ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган ўша давр ўқувчиси учун бу қимматли манба эди;

2) Хайёмнинг маслаги, асарлари, айниқса, рубоийларини тадқиқ этиш асносида унинг ижодига баҳо берилади, адабиётда тутган ўрни тўғри кўрсатилади;

3) олимнинг Хайём ижоди ҳақидаги мулоҳазалари, “жозиб услуби”(Ойбек) бугунги кун китобхонини ҳам лоқайд қолдирмайди. Унинг синчковлиги, аниқ манбаларга таяниб, илмий фикр юритиши, ҳамиша қиёслаш асосида хулосалар чиқариши, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш усулидан ҳар қанча ўрганса арзийди.

Хулоса. XX аср бошлари адабий танқидчилари кўпроқ мумтоз адабиёт масалалари билан шуғулландилар, уларнинг кўпчилики йирик асарлари мумтоз адабиёт вакиллари ижодига бағишланган эди. Жумладан, биринчи танқидий-биографик очерклар ҳам мумтоз адабиёт вакиллари ҳақида ёзилди. Демак, бу тадқиқотлар XX асрнинг 20-йилларида Фитратнинг танқидий-биографик очерк жанрини бошлаб берган ва уларнинг энг яхши намуналарини ярата олган деган хулосамизни яна бир қарра тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурауф Фитрат . Танланган асарлар. Тошкент. 2000. 2-жилд. - Б. 134.
2. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқиди жанрлари. Тошкент. “Фан”, 2009.
3. Ахмедова Ш. Профессионал адабиёт назарийчиси ва адабий танқид жанрлари кашшофи.// Истиқлол ва Фитрат. Илмий-амалий конференция материаллари. Бухоро. 2018.
4. Ахмедова Ш. Маърифатпарвар жаҳид танқидчилари. Германия. Glebe.2023.
5. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг адабий-эстетик қарашлари жаҳид адабиётшунослиги контекстида.Тошкент.”Mumtoz so’z”. 2024.291-бет.
6. Назаров Б.,Расулов А.,Ахмедова Ш.,Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. Тошкент. 2012. 220-бет.